

СОҒЛОМ МАҲНАВИЙ РАҚОБАТ НАЗАРИЯСИННИГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ

**Аббасова Мафтуна Субхоновна,
Самду КФ Рақамли технологиялар ва иқтисодиёт
кафедраси доценти**

Аннотация. Мақолада соғлом маънавий рақобат назариясининг ижтимоий-фалсафий ёндашувларининг асосий омиллари ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: маънавият, рақобат, руҳият, одоб-ахлоқ, иймон, эътиқоди.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТЕОРИИ ЗДОРОВОЙ МОРАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ В СОЦИАЛЬНО- ФИЛОСОФСКИХ ПОДХОДАХ

**Аббасова Мафтуна Субхановна,
К.Ф. Самду – доцент кафедры цифровых технологий и
экономики**

Абстрактный. Также в статье рассматриваются основные факторы социально-философских подходов теории здоровой моральной конкуренции.

Ключевые слова: духовность, конкуренция, духовность, этика, вера, убеждения.

INTERPRETATION OF THE THEORY OF HEALTHY MORAL COMPETITION IN SOCIO- PHILOSOPHICAL APPROACHES

**Abbasova Maftuna Subkhanovna,
KF Samdu is an associate professor of the Department of Digital
Technologies and Economics**

Abstract. The article also considers the main factors of the socio-philosophical approaches of the theory of healthy moral competition.

Key words: spirituality, competition, spirituality, ethics, faith, belief.

Кириш. Соғлом маънавий рақобат инсон қалби ва руҳини гўзал сифатлар билан хулқлантириши орқали социумни прогрессида ижобий омилни ташкил этади. Ўзбек тилида кенг маънода

кўлланилишига кўра маънавият тушунчаси бошқа тилларга таржима қилганда ўз маъносидан оқсагандек кўриниш касб этади. Рус тилида бизнинг “маънавият”га “духовность” тушунчаси



maftuna@gmail.com

Orcid: 0004-0034-0060-802x

мос келади. Лекин “духовность” ўзбек тилига айнан ағдарилса, “маънавият” эмас, “руҳият” ёки “руҳоният” бўлади. Фарб тилларида ҳам бу тушунчани ифодалайдиган атама “руҳ” ўзагидан ясалган. Демак, ўзбек тилидаги ва рус тилида маънавият тушунчалари мазмун ва моҳият жиҳатидан анча фарқ қиласр экан. Маънавият қандай тилда ёзилмасин, унинг вазифаси ўзгармайди. “Маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур. Олий ҳақиқат нуридир. Шу сабабли инсон қўнглини “ҳақиқат асрорининг ганжинаси” дейдилар. Фақат инсон қалби ўзида ҳақиқат нурини акс эттира олиши учун унга сайқал бермоқ зарур”[2]. Бунда маънавият тушунчаси ментал ва руҳий феноменга қиёсланади.

Кўриб турганимиздек, маънавиятга берилган таърифлар турлича шаклда бўлса ҳам уларнинг барчаси инсон фаолиятига бориб тақалади. Инсон фаолиятининг турли томонларини баҳолайди. Инсоннинг ички ва ташқи хатти-ҳаракати, гўзаллиги, ҳис-туйғу ва кечинмаларини акс эттиради.

Адабиётлар таҳлили. Т.Махмудов фикрича, “Маънавият - инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир” [1]. “Маънавият инсоннинг билими, тажрибаси ва меҳнат малакаси, одоб-ахлоқи, иймон ва эътиқоди, мағкуравий қарашларининг яхлит тизимидир” [2]. Юқоридаги фикрларга кўшимча тарзда шуни таъкидлашимиз мумкинки, маънавият каби ахлоқий туйғу ва рақобат жараёнлари ўзаро диалектик алоқадорлик касб этиб, бугунги кун тараққиёт жараёнлари занжирини боғловчи ва мустаҳкамловчи восита бўлиб хизмат қиласди. Маънавият ва жамият тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Жамият маънавиятсиз бўлмаганидек, маънавият ҳам жамиятдан ташқарида юзага келиши, ривожланиши асло мумкин эмас. Жамият маънавий камол топиб, муайян мақсадлар, манфаатлар асосида уюшган кишиларнинг бирлигидир. Марксизм асосчилари таҳминий мулоҳазаларга таяниб, маймунни бевосита инсонга аждод қилиб кўрсатдилар. Бу фараз на мантиқий, на илмий-амалий ишончли далиллар топмади. Аммо шундай бўлса ҳам биз Аллоҳнинг бу икки маҳлуки орасида муайян нисбат бор деб

ўйлаймиз. Маймун Аллоҳнинг бандаси бўлмиш инсонга ибрат учун яратилган. Дарҳақиқат, улар ўхшаш. Қўл, оёқ, бош... Йирик маймунлар жуссаси ҳам, икки оёғида юра олиши ҳам инсонга монанд. Фақат маймун ҳар қандай ҳайвонот дунёсининг вакили каби инстинктга бўйсуниб, ўйсиз яшайди. Мен бу дунёга нима вазифа билан келдим, деб ўзига-ўзи савол бермайди. Унда ор-номус, ҳаё-андиша, имондиёнат йўқ. Бу нарсаларни ҳеч ким маймундан кутмайди ҳам. Инсон шахсига тўхтадиган бўлсак, қуидаги таърифни келтиришимиз мумкин: Инсон маънавий ривожланиш хусусиятига эга бўлган мавжудотдир. Соғлом маънавий рақобат жараёнлари эса шахсларни юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Ш.Негматова ўзининг илмий изланишлари давомида маънавий рақобат тушунчасига қуидагича таъриф беради: “Маънавий рақобат деб-кишиларнинг ўзаро табиат, жамият, инсон вужудида содир бўлаётган нарса, ҳодиса ва воқеаларни тушуниш, тушунтириб бериш, яшашдан мақсадларини белгилаб бериш, кун кечириш ташвишларининг ечимини топиши ҳақида ахлоқийлик ёки ахлоқсизлик, маърифат ёки жаҳолат, эзгулик ёки тубанлик қилишдан иборат бўлган ғоявий, мағкуравий, маърифий, диний, сиёсий, ҳукуқий, иқтисодий қарашларини шакллантириш, уларни тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали муайян устунликка эришиш борасидаги хатти-ҳаракатларига айтилади” [3].

Тахлил ва натижалар. Юқорида келтирилган соғлом маънавий рақобатга кўшимча тарзда қуидагиларни келтиришимиз мумкин.

1. *Сабр-тоқатлилик*, яъни толерантлик бошқа элат ва ўзга миллат, динлар ўртасидаги ҳамжихатликни таъминловчи воситаси сифатида кўрилиши;

2. Эзгу ниятлилик, яъни инсонларни ҳар доим ижобий мақсадлар томон ёндаштиради;

3. *Тўғри сўзлик*, яъни инсонлар муносабатларидағи самимийлик хиссини шакллантириш, бу туйғуни мустаҳкамлашга қаратилганлиги ва бошқа бир қанча хусусиятларни ўз ичига олади.

Фалсафада ҳамма категориялар икки қутбли маънога эга бўлиб, соғлом маънавий рақобат тушунчасининг муқобили носоғлом маънавий рақобат тушунчаси ҳам бор. Носоғлом

рақобат деб, оламда ёвуз кучларнинг хукмронлигини таъминлаш учун айрим катта молиявий имкониятларга эга бўлган шахс, ижтимоий гурух, давлат ва жамиятларнинг ўзаро маърифатли дунё устидан ғолибликни таъминлаш учун ғирромлик, алдоқчилик, виждансизлик, зўрлик, кўркитиш, ўғрилик, қароқчилик, ифлослик, кўрнамаклик, текинхўрлик, товламачилик, фирибгарлик кабилар асосида содир этадиган жирканч ўй-фикр ва хатти-ҳаракатларга айтилади [4]. Бундай рақобат шакллари ўз манфаати йўлида хар қандай ҳаракатга тайёр бўлган шахсларни ўзида жамлайди. Улар учун натижа муҳим, ғалабанинг қандай бўлгани иккинчи даражали масала бўлиб қолмоқда. Ҳар бир юксалиш хусусиятига эга бўлган қарашларнинг шаклланиш мезонлари мавжуддир, чунки оламда хеч нарса “йўқдан бор ва бордан йўқ” бўлмайди. Инсоният яралибдики, у ҳамиша ривожланишда ҳамда юксалишда бўлади.

Кишининг илмга чанқоқлиги, инсонпарварлик, толерантлик, аждодлар меросини авайлаш, иймон-эътиқоднинг мавжудлиги ва бошқа инсоний хислатлар маънавиятнинг асосини ташкил этади. Бизнинг тадқиқот обьектимизга айланган маънавият тушунчасининг моддий муҳитни оптимал ҳолатда сақлашдаги аҳамияти бекиёсdir. Шу ва бошқа факторларни ҳисобга олган ҳолда юксак маънавиятнинг ижтимоий муҳитни соғломлаштиришдаги ўрни хақида назарий фикрларни баён қиласиз. Бугунги кун кишиси замон билан ҳамнафас, эркин фикрловчи киши бўлиб етишмоқда. Маънавиятнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳам шу баробарда ортиб бораётганинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Юқорида берилган таърифлардан келиб чиқиб “маънавият инсон ҳаётининг туб маъносини англаб етиши, кечаги, бугунги ва эртанги хатти-ҳаракатларининг асл маъносини билиши, кишилар ўртасидаги инсонпарварлик, бағрикенглик, вижданлилик каби ҳис-туйғулар занжирини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи, унинг ички дунёси, руҳий оламини очиб берувчи бекиёс куч, эртанги муваффақиятнинг асосидир” деб қўшимча қилишимиз мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб негизида ҳалқни эртанги кунининг фаровонлигини таъминлаш, келажак

авлодни маънан етуқ қилиб тарбиялаш каби эзгу мақсадлар ётади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг нутқида қуйидаги фикрларни билдирган: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва ҳалқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли маънавий таҳдид ва ғоявий хуружлар авж олаётган бир даврда миллий, умуминсоний ҳамда эзгуликка етаклайдиган диний, маънавий меросимизни ёшларнинг шуурига сингдиришимиз, шу орқали уларда соғлом маънавий рақобатни шакллантириш шиддатли дунёда ўта мухимдир”.

“Илмдан юз ўғириш - инсонийликдан юз ўғириш демак”, -деб таъкидлайди Тоҳир Малик. Чунки илм - инсонийлик тожи хисобланади. Инсон илм билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилнинг ғурурланадиган матоҳидир [5]. Илм аҳли ҳар доим маънавиятни қадрловчи, инсоний сифатни улуғловчи ҳамда миллий анъаналарни соғоф сақловчилардан бўлиб келган. Ҳидоят йўлини таълмаган ҳар қандай мўмин киши борки, ушбу билимни бошқаларга ҳам улашишга интилади. Чунки билимни эгаллашнинг моҳияти бошқаларни ҳам ушбу сарчашмадан боҳабар қилмоқликлариди.

“Оммавий маданият” тушунчаси ҳар бир китобда кўлланилаётган ва унинг оқибатлари тез-тез тақрорланаётган бўлса ҳам зараги камаймаётгандек, назаримизда. Ғарб оламида пайдо бўлиб дунёни, айниқса, ислом оламини “ҳайратда” қолдирган, маънавиятсизлик энг юқори чўққисида турган инсонларнинг хоҳиши билан амалга ошган ҳамда қонуний тус олган бир жинслиларни асримиз маънавий таназзулининг дебочаси бўлиб хизмат қилди. “...ўзларини дунё ҳалқларининг пешвоси деб даъво қилаётган баъзи ҳалқлар ва давлатларда бир жинслилар ўртасида “никоҳ” кўпайиб бормоқда. Натижада, айрим ғарб давлатларида бир жинслилар никоҳидан нафратланмайдиганлар сони ортиб, бу жиноятга оддий ҳодисадек қараладиган бўлди. Энг ёмони, бир жинслилар ўртасидаги никоҳга рухсат берувчи қонунлар ҳам ишлаб чиқилди ва қабул қилинмоқда. Яна улар баралла овоз билан “Инсон хукуқларини химоя қиляпмиз!” дея бутун дунёга жар солмоқда [6]. Бизнинг замонамизга келиб ушбу маънавиятсизлик омиллари келажак авлодимизга таъсир этмаслигига ким кафолат беради? Ахир

биз ахборот технологиялари асрида яшамоқдамиз. Дунёнинг қарама-қарши томонида бўлаётган ҳодисалар бизга жуда қисқа вақтлар ичидаги маълум бўлмоқда. Шу сабабдан ҳам маънавий бузуқликнинг олдини олишда кишилар онгидаги соғлом мафкура, маънавияти ва соғлом ғояни шакллантиришимиз энг мақбул ишдир.

Бу ўринда ўзбек халқининг ўз маънавияти мавжуддир. Ўзбек халқининг маънавияти деганда – уларнинг ўзларини умумбашарий инсоният оламининг бир вакили деб билган ҳолда озод ва обод ватандан, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш учун она юртинин тупроғини, сувини, ҳавосини ва жамики бойликларини мустақил тарзда тасарруф этиб, кўз қорачиғидай асрраб-авайлаши, улардан тежаб фойдаланиши ҳамда ҳар бир фуқаронинг ҳақ-хуқуқларини хурмат қилишни чин виждан, иймон ва эътиқод, ишонч ва садоқат, поклик ва ҳалоллик, довюраклик, беғаразлик, дахлдорлик, хурмат, инсоф ва адолат, катта фидойилик ва ақлий теранлик билан фаолият юритишиларига қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуи [7].

Маънавиятни таъсир этиши объектига кўра қўйидаги турларга ажратиш мумкин: биринчидан, алоҳида шахс маънавияти;

иккинчидан, элат, милллат, ҳалқ, жамият, давлат маънавияти;
учинчидан, умуминсоний маънавияти.

Бунда шахс маънавияти деб, ҳар бир кишининг ўзлигини англаши туфайли ўз олдига кўйган мақсадига эришиш учун ҳалол йўл билан ёки ҳаром йўл билан, иймонлилик ёки иймонсизлик, садоқат ёки хиёнат, адолат ёки адолатсизлик, инсоф ёки инсофсизлик, диёнат ёки диёнатсизлик билан қиласиган маънавий тафаккур юритиш ва амалий ҳатти-ҳаракатлари тарзига айтилади. Элат, милллат, ҳалқ, жамият, давлат маънавияти деб эса уларнинг ўз эркини қўлларида сақлаган ҳолда тенглар ичидаги тенг бўлиб яшашга қаратилган энг олийжаноб бунёдкор ғоялар асосида амалга ошираётган ҳатти-ҳаракатларнинг яхлит бир тизимида айтилади. Умуминсоний маънавият – бу дунёда яшовчи барча инсонларнинг тинч-осуда, соғ-

саломат ҳаёт кечиришига, меҳнат қилишларига қаратилган эзгу фикр, хаёл, орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган, инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ишонч, ҳамжиҳатлик, тинчликсеварлик, адолатлилик, одамийлик, қонунийликни тараннум этувчи тафаккур тарзи ва шунга асосланган амалий ҳатти-ҳаракатларнинг ифодаси [8].

Хулоса. Тахлилий материаллардан кўйидаги назарий фикрлардан келиб чиқиб кўйидаги хулосага келамиз:

Оlamдаги ҳеч бир инсон бир хил бўлмагани каби, уларнинг маънавий салоҳияти ва маданий бойлиги ҳам турличадир. Шу нуқтаи назар билан қарасак, инсоннинг маънавиятли бўлиши ёки жаҳолатга юз тутишининг омиллари, сабаблари ва жоиз бўлса айтиш лозимки заруриятлари ҳам мавжуддир. Бизнинг мақсад эса жамиятнинг элита қатламидан то қуий поғонагача бўлган йўлни маънавият гулшани билан бойитмоқлиқдир. Юксак маънавиятли авлодни шакллантириш ҳозирги замоннинг глобал муаммосига айланмоқда. Кишиларнинг онгу тафаккурида маънавий рақобатни ривожлантириш орқали жамият аъзоларининг ахлоқий қарашларида сифатни ошириш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Левитин Л., Ислом Каримов – Янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 10-б.
2. И момназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т.: Маънавият, 1996, 6-бет.
3. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 2001, 9-бет.
4. Негматова Ш. Ўзбекистонда соғлом рақобатни шакллантиришнинг маънавий, ахлоқий ва хуқуқий жиҳатлари.-Т.: Фан, 2016. - 105 б.
5. Каримов Б., Зияев Ф. Маънавият асослари. - Т.: Иқтисод-Молия, 2013.- 267-б.
6. Тоҳир Малик. Саодат саройининг қалити. – Т.: Янги аср авлоди, 2014,-146-б.
7. Сайфуддинов Р. Ибратли хонадон.–Т.: Мовароуннхр, 2013.- 6-б.